

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЙИГИТАЛИЕВ САРДОР ХУСАНБОЕВИЧ**

**МЕЪДА-ИЧАК ЙЎЛЛАРИ ПОЛИПСИМОН ҲОСИЛАЛАРИНИ  
ДАВОЛАШДА ЭНДОСКОПИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2024**

**Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Йигиталиев Сардор Хусанбоевич**

Меъда-ичак йўллари полипсимон ҳосилаларини даволашда эндоскопик технологияларни такомиллаштириш..... 3

**Йигиталиев Сардор Хусанбоевич**

Совершенствование эндоскопических технологий в лечении полиповидных новообразований желудочно-кишечного тракта..... 33

**Yigitaliev Sardor Khusanboevich**

Improvement of endoscopic technologies in the treatment of polypoid neoplasms of the gastrointestinal tract..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЙИГИТАЛИЕВ САРДОР ХУСАНБОЕВИЧ**

**МЕЪДА-ИЧАК ЙЎЛЛАРИ ПОЛИПСИМОН ҲОСИЛАЛАРИНИ  
ДАВОЛАШДА ЭНДОСКОПИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.DSc/Tib1078-рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати илмий Кенгаш сайтида икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) (www.adti.uz ) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz ) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Исмаилов Сайдимурод Ибрагимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Биков Михаил Ильич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Эгамов Юлдашали Сулейманович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Касимов Адхам Лутфиллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Гродно давлат тиббиёт университети (Беларус Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Андижон дала тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мадазимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ф. Нишанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Р. Абдуллажанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Яллиғланишли фиброз полип (IFP) - кам учрайдиган, мезенхимал келиб чиқишли, этиологияси ноаниқ бўлган яхши сифатли ҳосилadır. Бу ҳосила фиброз тўқиманинг пролиферацияси билан характерланади, бу эса турли яллиғланишли хужайралар, кўпинча дуксимон хужайралар ва эозинофиллар билан инфильтрацияга олиб келади. IFP кўпроқ аёлларда (1,3-1) учрайди ва кўпинча ҳаётнинг бешинчи ўн йиллигидаги одамларни касаллантиради<sup>1</sup>. Меъда-ичак йўлларида (МИЙ) пайдо бўлганда, IFP камаювчи тартибда, кўпинча ошқозон, ингичка ичак ва кейинчалик йўғон ичакни зарарлантиради. Шундай қилиб, кўринишлар турли хил бўлиши мумкин: меъданинг чиқиш қисмининг обструкциясидан то ичакнинг инвагинациясигача. Одатда IFP ташхиси хирургик ёки эндоскопик макропрепаратнинг гистологик ва иммуногистокимёвий таҳлили орқали тасдиқланади. МИЙнинг юқори қисмларини эндоскопия қилиш вақтида IFP ўсимтаси ва ўн икки бармоқли ичакнинг IFPси девор ичида бўртиб турувчи, текис юзага эга бўлган ҳосилалар кўринишида бўлади, бу юзалар кўпинча ярали бўлади. Колоректал зарарланишлар колоноскопия вақтида аниқланади, бу орада ингичка ичак зарарланишлари кўпинча жарроҳлик амалиётлари вақтида, ҳамда обструкция симптомлари туфайли аниқланади. Ичак инвагинациясида қорин бўшлиғининг компьютер томографияси танлов усули ҳисобланади. IFPни диагностика қилиш қийин бўлишининг асосий сабаби клиник симптомларнинг носпецифик кечишидир. Эндоскопик амалиёт натижасида олинган биопсия намуналари “ҳар доим ҳам гистологик ташхис учун етарли маълумот бера олмайди”<sup>2</sup>. Энг ишончли ташхис олиб ташланган ҳосиланинг иммуногистокимёвий таҳлил ҳисобланади. Ҳозирги вақтда IFPни даволаш тактикасини танлашда хирургик даволаш услубини аниқлашда ҳам муаммолар мавжуд.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда эндоскопик биопсиянинг диагностик самарадорлигини ошириш учун кўп марказли истиқболли таҳлилий тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда, чунки фақат 10% ошқозон IFPлари операциядан олдин диагностика қилинади, шунингдек полипсимон ҳосилаларнинг зарарли ривожланишини олдиндан прогноз қилиши мумкин бўлган эндоскопик ультратовуш текшируви ва гистопатологик хусусиятларни белгилаш учун клиник маълумотларни экстраполяция қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда хирургияни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари меъда-ичак йўлларининг полипсимон ҳосилалари билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чоратadbирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти

<sup>1</sup>Hehir C, Calpin G, Dowling G, Spillane C, Kilgallen C, Hill ADK. Inflammatory fibroid polyp of the small intestine presenting as small bowel obstruction with intussusception: a case report. J Surg Case Rep. 2024 Jan 4;2024(1):tjad695. doi: 10.1093/jscr/tjad695.

<sup>2</sup>Qasim A, Makker J. Gastrointestinal Tract Challenges: Chronic Inflammatory Fibroid Polyps Demystified. Cureus. 2023 Nov 19;15(11):e49068. doi: 10.7759/cureus.49068.

устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, меъда-ичак йўлларидаги полиплар билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли абдоминал хирургиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, худудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.**<sup>4</sup> Меъда-ичак йўлларидаги полипсимон янги ҳосилалари билан касалланган беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари, кўплаб халқаро илмий жарроҳлик жамиятлари ва

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Inayat F, Ur Rahman A, Wahab A, Riaz A, Zahid E, Bejarano P, Pimentel R. Gastric Inflammatory Fibroid Polyp: A Rare Cause of Occult Upper Gastrointestinal Bleeding. *J Investig Med High Impact Case Rep.* 2020 Jan-Dec;8:2324709620936840. doi: 10.1177/2324709620936840; Acar N, Acar T, Cengiz F, Şuataman B, Tavusbay C, Hacıyanli M. Endoscopic resection for giant oesophageal fibrovascular polyp. *Ann R Coll Surg Engl.* 2020 Apr;102(4):e89-e90. doi: 10.1308/rcsann.2020.0008; Cha JH, Jang JS. Correlation between healing type of lesion and recurrence in gastric neoplastic lesions after endoscopic submucosal dissection. *Turk J Gastroenterol.* 2020 Jan;31(1):36-41. doi: 10.5152/tjg.2020.18764; Santos CEOD, Nader LA, Scherer C, Furlan RG, Pereira-Lima JC. Small as well as large colorectal lesions are effectively managed by endoscopic mucosal resection technique. *Arq Gastroenterol.* 2022 Jan-Mar;59(1):16-21. doi: 10.1590/S0004-2803.202200001-04; Ni X, Yin J, Chen L, Zhu Z. Endoscopic resection of a rare duodenal polypoid mass: duodenal angiolipoma. *Rev Esp Enferm Dig.* 2023 Jun;115(6):332-333. doi: 10.17235/reed.2022.9268/2022; Khsiba A, Bradai S, Nakhli A, Chelbi E, Azouz MM. Solitary gastric Peutz-Jeghers polyp: a case report. *Pan Afr Med J.* 2022 Jan 24;41:65. doi: 10.11604/pamj.2022.41.65.29526; Kourti A, Dimopoulou A, Zavras N, Sakellariou S, Palamaris K, Kanavaki I, Fessatou S. Inflammatory fibroid polyp of the anus in a 12-month-old girl: Case report and review of the literature. *J Paediatr Child Health.* 2022 Aug;58(8):1313-1316. doi: 10.1111/jpc.16080; Trecca A, Catalano F, Bella A, Borghini R. Robotic colonoscopy: efficacy, tolerability and safety. Preliminary clinical results from a pilot study. *Surg Endosc.* 2020 Mar;34(3):1442-1450. doi: 10.1007/s00464-019-07332-6; Garmpis N, Damaskos C, Garmpi A, Dimitroulis D. Inflammatory Fibroid Polyp of the Gastrointestinal Tract: A Systematic Review for a Benign Tumor. *In Vivo.* 2021 Jan-Feb;35(1):81-93. doi: 10.21873/invivo.12235; Hehir C, Calpin G, Dowling G, Spillane C, Kilgallen C, Hill ADK. Inflammatory fibroid polyp of the small intestine presenting as small bowel obstruction with intussusception: a case report. *J Surg Case Rep.* 2024 Jan 4;2024(1):tjad695. doi: 10.1093/jscr/tjad695 ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

ташкilotлари томонидан, жумладан: European Society of Gastrointestinal Endoscopy (ESGE), Allama Iqbal Medical College, Lahore, (Покистон), Cleveland Clinic Florida, Weston, FL, (АҚШ), Qinghai People's Hospital (Хитой), Department of General Surgery, Izmir Katip Çelebi University Atatürk Training and Research Hospital (Туркия), Department of Internal Medicine, Dong-A University College of Medicine, Busan, (Ж.Корея), Santa Casa Hospital, Departamento de Gastroenterologia e Endoscopia, Porto Alegre (Бразилия); Gastroenterology, Clinical Medical College, Yangzhou University/Northern Jiangsu People's Hospital, (Хитой), Department of Gastroenterology, Mohamed Tahar Maamouri Hospital, Nabeul, (Тунис); Department of Paediatric Gastroenterology, Hepatology and Nutrition, Third Department of Paediatrics, Attikon University General Hospital, National and Kapodistrian University of Athens (Греция); Operative Endoscopy, Progetto I-Salus, Rome (Италия); First Department of Pathology, Medical School, National and Kapodistrian University of Athens, Athens (Греция); Department of Surgery, Beaumont Hospital, Dublin, (Ирландия); Gastroenterology, BronxCare Health System, New York, (АҚШ); Gastrointestinal Surgery, Synergy Institute of Medical Sciences, Dehradun, (Хиндистон); “А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий тадқиқот маркази” Федерал давлат бюджет муассасаси (Россия Федерацияси); Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон), Академик В.Вахидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббий маркази (Ўзбекистон); Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) амалга оширилмоқда.

Меъда-ичак йўлларининг полипсимон ҳосилалари билан оғриган беморларда жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: IFR ҳаётининг бешинчи-ўн йиллигида беморларга таъсир қилиши аниқланган, гарчи 4 ёшдан 84 ёшгача бўлган беморларда ҳам учраши маълум бўлган, одатда ошқозонга, аниқроғи унинг антрал қисмига таъсир қилади, лекин бутун меъда-ичак йўлларида ҳам учраши мумкин (First Department of Surgery, Laiko General Hospital, Medical School, National and Kapodistrian University of Athens, Athens, Greece); ошқозон-ичак трактидаги колоректал ва бошқа аденоматоз-прекурсор зарарланишлар билан ўхшаш молекуляр ўзгаришларга қарамай, IFRлар камдан-кам ҳолларда ошқозон неоплазиясининг ривожланган босқичига (юқори даражадаги дисплазия ёки аденокарсинома) ўтиши ва уларнинг ошқозон онкогенезидаги роли ноаниқ, аммо эҳтимол чекланган бўлиб қолаётганлиги аниқланган (Department of Laboratory Medicine and Pathology, University of Washington, Washington, USA); толали аденомалар ўтириб ўсадиган, диспластик безли эпителий билан қопланган ўсимталар эканлиги, уларнинг ёмон сифатли (зарарли) янги ҳосилаларга айланиш хавфи айниқса (50% гача) 2 см дан катта ўлчамларда юқорироқ бўлганлиги, катта ўлчам, толаларнинг мавжудлиги ва дистал жойлашиши колоректал аденомаларда оғир дисплазия билан боғлиқлиги аниқланган (Department of Surgery, Maulana Azad Medical College, New Delhi, India); колоректал зарарланишларни даволашнинг энг осон варианты деб шиллик қаватининг эндоскопик резекцияси топилган, шу жумладан,  $\geq 20$  мм

ҳажмли зарарланишларда (Santa Casa Hospital, Departamento de Gastroenterologia e Endoscopia, Porto Alegre, RS, Brasil); IFR пайдо бўлишининг сабаби асосан номаълум бўлиши, аммо эҳтимолий сабаблар инфекция, автоиммун ёки аллергия механизмлар билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги аниқланган, IFR гистологик сабаблари дуксимон хужайраларнинг аралаш яллиғланган инфилтрацияга эга шиллиқ ости пролиферацияси билан тавсифланиши аниқланган (Rafeh Saeed, Department of Academic Surgery, University Hospital Waterford/University College Cork, Waterford, Ireland); Пеитз-Егерс ягона полипи Пеитз Егерс синдромида учрайдиган полиплар билан бир хил гистологик хусусиятларга эга бўлган ноёб гамартоматоз полип сифатида таърифланган, ва йўлдош ичак полипоз, тери-шиллик қават пигментацияси ва оилавий анамнезда Пеитз-Егерс синдроми бўлмаган, ўт пуфагидагининг ягона Пеитз-Егерс полипи жуда кам учраши исботланган (Department of Gastroenterology, Mohamed Tahar Maamouri Hospital, Nabeul, Tunisia); пневматик приводли (Endotics System®) ўзиюлар платформа кўринишидаги роботлаштирилган колоноскопия (RC) йўғон ичакни оғриқ ва ноқулайликни тўлиқ камайтириш билан текширишга қодир эканлиги, ва бунда полипларни аниқлаш даражаси (PDR) 40% ни, аденомани аниқлаш частотаси (ADR) эса - 26,7% ни ташкил қилганлиги исботланган. (Department of Emergency Surgical Endoscopy, Borgo Trento Hospital, Verona, Italy).

Ҳозирги даврда абдоминал жарроҳлик йўналиши бўйича энг долзарб тадқиқот ишлари, МИЙнинг полипсимон хосилаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг альтернатив усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга бағишланмоқда. Афсуски, IFRнинг этиологияси ҳалигача номаълум, лекин полипларнинг кенг диапазони қайд этилган ўлчамлари ва уларнинг симптомсиз характерига асосланиб, IFRнинг узок ва секин ўсишини тахмин қилиш мумкин. Ушбу узок давр мобайнида IFRнинг гистологияси ўзгариши мумкин. Кичикроқ зарарланишларда дуксимон хужайраларнинг тақсимланиши бироз кўпроқ бўлиб, зарарланиш катталашгани сари тўқима архитектураси турли мавжуд турларга қараб ўзгаради; бундан ташқари, турли гистологик турлар бир хил IFR доирасида ҳам мавжуд бўлиши мумкин. IFRнинг ошқозони анъанавий равишда жарроҳлик йўли билан даволанса-да, эндоскопик резекция ҳозирги кунда хавфсиз ва самарали даволаш усулига айланмоқда. Ушбу йўналишда давом эттирилган изланишлар шубҳасиз полипларни эндоскопик даволаш имкониятлари ҳақидаги замонавий тушунчаларни яхшилайти ва ушбу патологияни жарроҳлик билан даволаш муаммосини янги нуқтаи назардан ўрганишга имкон беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** МИЙнинг юқори ва қуйи қаватларидаги полиплар билан касалланган беморларни жарроҳлик билан даволаш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда, альтернатив жарроҳлик тактикаси ва оператив аралашувнинг рационал усулини танлаш масалалари ҳали якуний ечимдан узок. Тор спекторда тасвирлаш (NBI), хромоэндоскопия, шиллиқ қаватнинг эндоскопик резекцияси, қиллик ости қатламнинг эндоскопик диссекцияси каби ютуқлар, зарарсиз ва эрта зарарли полипларни даволашни яхшилашга қодир воситалардир. МИЙнинг шиллиқ қавати

полиплари, уларнинг гистологик туридан қатъи назар, атрофдаги шиллик юзасидан бўртиб турувчи ўсимталар сифатида аниқланади. МИЙнинг юқори бўлими полиплари одатда эзофагогастроуденоскопия пайтида тасодифан аниқланади ва уларнинг тарқалганлиги барча ўтказилган тадқиқотларнинг 0,5 дан 23% гача ҳолларида баҳоланади. Баъзи янги ҳосилалар баъзан қон кетиши, анемия ёки обструкция билан намоён бўлиши мумкин<sup>5</sup>. МИЙнинг юқори бўлимида пайдо бўлган ҳосилаларнинг аксарияти (>85%) яхши сифатли(зарарсиз) бўлиб, гиперпластик полиплар ва фундал безлари полиплари қаторига тегишли бўлади, уларнинг ёмон сифатга(зарарли ўсимтага) ўтиш хавфи паст. Улардан кейин аденомалар ва бошқа гистологик турлар келади, уларнинг ёмон сифатга ўтиш потенциали 6,8 дан 55,3% гача ўзгариб туради. Ошқозон полипларининг тахминан 90 фоизи диаметри 1 см дан кам бўлади, бу ҳолатда дисплазия пайдо бўлиш частотаси 1,68% ни ташкил этади, ва ёмон сифатга ўтиш даражаси <1% га тенг<sup>6</sup>. Иккинчи энг кўп учрайдиган полипсимон ҳосилаларнинг локализацияси йўғон ичакда бўлиб, ушбу патология колоректал саратон (КРР) ривожланиш хавфи жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Энг кўп учрайдиган турлари орасида гиперпластик полиплар, аденомалар ва тишсимон ҳосилаларга ажратилади. Гиперпластик полипларнинг тарқалганлик даражаси колоноскопик тадқиқотларда одатда 10% дан 15% гача бўлиб, айрим аҳоли гуруҳларида 30% гача етиши мумкин. Анъанавий тишсимон аденомаларнинг йўғон ичакдаги тарқалганлиги (ўртача ўлчами тахминан 15 мм) 1% дан камроқни ташкил этади ва скрининг колоноскопияда аниқлинади<sup>7</sup>. Шу билан бирга, колоректал саратон (КРР) бутун дунё бўйлаб саратон туфайли ўлим даражасининг иккинчи етакчи сабаби бўлиб қолмоқда, умр бўйи ривожланиш хавфи тахминан 4% дан 5% гачани ташкил этади<sup>8</sup>. Колоректал саратон скрининги ва прекансероз йўғон ичак аденомаларини олиб ташлаш, касалланиш ва ўлимнинг тахминан 50% га пасайишига олиб келади. Колоректал полипларнинг аксарияти кичик, зарарсиз (яхши сифатли) ҳосилалардир, аммо 10-15% ҳолларда полиплар "мураккаб" деб таснифланади, яъни катталиги (> 20 мм), морфологияси ёки локализацияси туфайли эндоскопик резекция қилиш техник жиҳатдан қийин (илеоцекал клапан, аппендикуляр тешиқ, тишсимон чизик соҳалари)<sup>9</sup>.

Тавсияларнинг аксарияти 5 мм дан катта ўлчамда бўлган полипсимон ҳосилаларни олиб ташлашга йўналтирилган. Биопсия дисплазия ва малигнизацияни тўлиқ четлаб ўтишни кафолатлай олмайди, шунинг учун

---

<sup>5</sup>Barbosa SHB, Lazaro GCF, Franco LM, Valenca JTJ, Nobre SMA, Souza M. Agreement between different pathologists in histopathologic diagnosis of 128 gastric polyps. *Arq Gastroenterol.* 2017;54(3):263–266.

<sup>6</sup>Santos CEOD, Nader LA, Scherer C, Furlan RG, Sanmartin IDA, Pereira-Lima JC. Small as well as large colorectal lesions are effectively managed by endoscopic mucosal resection technique. *Arq Gastroenterol.* 2022 Jan-Mar;59(1):16-21. doi: 10.1590/S0004-2803.202200001-04.

<sup>7</sup>Bettington M, Walker N, Rahman T, et al. High prevalence of sessile serrated adenomas in contemporary outpatient colonoscopy practice. *Intern Med J* 2017;47(3):318–23.

<sup>8</sup>Sung H, Ferlay J, Siegel RL, et al. Global cancer statistics 2020: GLOBOCAN estimates of incidence and mortality worldwide for 36 cancers in 185 countries. *CA Cancer J Clin* 2021;71(3):209–49.

<sup>9</sup>Mann R, Gajendran M, Umaphathy C, Perisetti A, Goyal H, Saligram S, Echavarría J. Endoscopic Management of Complex Colorectal Polyps: Current Insights and Future Trends. *Front Med (Lausanne)* 2021;8:728704.

ҳосилани тўлиқ олиб ташлагандан кейин морфологик тасдиқлаш ва резекция сифатини баҳолаш билан бирга батафсил патологоанатомик тадқиқот ўтказиш зарурияти мавжуд. Олдини олиш мумкин бўлган йўғон ичак полипларини аниқлаш глобал муаммога айланган, чунки умр бўйи колоректал саратоннинг ривожланиш хавфи тахминан 4% дан 5% гача бўлиб қолмоқда. Полипсимон ҳосилаларни даволаш усуллари клипсалаш, совуқ эксцизия, электрокоагуляция, шиллик қаватнинг эндоскопик резекцияси (EMR), шиллик ости қатламнинг эндоскопик диссекцияси (ESD) ва бошқаларни ўз ичига олади. Полипларни тўлиқ олиб ташлаш эҳтимоли уларнинг ўлчамларига ва эксцизия усулига боғлиқ, хусусан, 6-20 мм диаметрли полипларда бу кўрсаткич совуқ олиб ташлашда 81,6% ва совуқ ёки термал резекцияда 94,1-95,5% га етади<sup>10</sup>. Бошқа маълумотларга кўра, бир блок билан резекция қилиш частотаси EMR учун 44,5% дан 63% гача, ESD учун эса 87,9% дан 96% гача атрофида ўзгариб туради. Шиллик ости қатламнинг эндоскопик диссекциясида бошқа вариантларга қараганда тўлиқ резекция даражаси юқорироқ, лекин шу билан бирга қон кетиш ва перфорация хавфи ошади. МИЙнинг юзаки ҳосилаларини эндоскопик даволашда тўғри диагностика ва ушбу аралашувлар хавфини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳосилаларни олиб ташлаш анча юқори асоратлар хавфи билан боғлиқ ва махсус тайёрланган эндоскопистлар томонидан бажарилиши зарур. Асосий асоратланишлар орасида, аралашув вақтида ҳам, эрта даврда ҳам қон кетиш ва перфорация ажратиб кўрсатилади. Эрта постманипуляцион қон кетиши частотаси 0% дан 6,3% гача, перфорация (тешилиш) сони эса 0-6% гача атрофида ўзгариб туради<sup>11</sup>. Колоректал соҳада аралашув ўтказиш техник жиҳатдан МИЙнинг юқори бўлимларига қараганда мураккаброқ бўлиб, бу полипларнинг асоратлари ва қайта пайдо бўлиш эҳтимоли юқорироқлигини акс эттиради. Полипларнинг қайта пайдо бўлиш частотаси 32,1% га етиши мумкин. Баъзан тўлиқ эндоскопик резекция ёки диссекциядан кейин ҳам, нотўлиқ олиб ташланганлиги сабабли, беморларнинг 2,4-12,2% да қайталаниш кузатилади. Полипларни резекция қилишдан кейин маҳаллий қайта пайдо бўлиш ҳолатлари бир блок билан олиб ташлаганда 3% ҳолатларда ва фрагментар резекцияларда 20% ҳолатларда юз беради. Ҳозиргача полипларни олиб ташлашнинг турли усулларининг афзалликлари ва камчиликларини баҳолаш бўйича етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган. Полипсимон ҳосилаларни эндоскопик даволаш самарадорлигини ошириш масаласи кенг ўрганишни талаб қилади. Бу ҳам эндоскопик усулларни ва ҳосилаларни олиб ташлаш усулларини тўғри танлаш имконини беради.

Шу тариқа, полипларни эндоскопик даволаш масаласи ҳали ҳам очиқ қолмоқда. Адабиётлар таҳлили, замонавий жарроҳлик аралашувларини

<sup>10</sup>Jiang Q, Yan X, Wang D, Zhang S, Zhang Y, Feng Y, Yang A, Wu D. Endoscopic mucosal resection using cold snare versus hot snare in treatment for 10-19 mm non-pedunculated colorectal polyps: protocol of a non-inferiority randomised controlled study. *BMJ Open*. 2023 May 22;13(5):e070321. doi: 10.1136/bmjopen-2022-070321.

<sup>11</sup>Yanai Y, Yokoi C, Watanabe K, Akazawa N, Akiyama J. Endoscopic resection for gastrointestinal tumors (esophageal, gastric, colorectal tumors): Japanese standard and future prospects. *Glob Health Med*. 2021 Dec 31;3(6):365-370. doi: 10.35772/ghm.2020.01116.

такомиллаштириш технологияларининг теоретик жиҳатлари ва клиник тажрибаси, МИЙдаги полипсимон хосилаларни бартараф этишнинг энг мақбул усулини танлашга оид тактик жиҳатлар, роботлаштирилган операцияларга кўрсатмаларни кенгайтириш билан боғлиқ, бу муаммони ҳал қилиш жарроҳликнинг устувор йўналишларидан бири эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, полипларнинг ўлчамлари, жойлашиши ва морфологиясига қараб жарроҳлик даволашни танлашга оид дифференциал ёндашув масалалари деярли ўрганилмаган. Сўнгги ўн йилликларда тўпланган клиник тажрибани ҳисобга олган ҳолда, бундай долзарб муаммони ҳал қилиш учун МИЙдаги полипсимон ва нополипсимон хосилалар билан касалланган беморларни жарроҳлик билан даволаш усулларини такомиллаштиришнинг янги йўллари ишлаб чиқиш ва бу тоифадаги беморларни дифференциал даволаш жарроҳлик тактикаси алгоритминини такомиллаштириш зарур. Юқорида кўрсатилганларни ҳисобга олган ҳолда, бу патологияни жарроҳлик билан даволашнинг мавжуд усулларини такомиллаштириш ва янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича кейинги тадқиқотларни ўтказиш талаб этилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ ИЛ-5221091389-сон “Қорин бўшлиғи жарроҳлигида операциядан кейинги асоратларнинг олдини олиш учун яра қопламаларини ишлатишнинг маҳаллий технологияларини ишлаб чиқиш” лойиҳаси доирасида бажарилган (2022-2025 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** диод лазеридан фойдаланган ҳолда меъда-ичак йўллариининг юзаки полипсимон хосилаларини эндоскопик олиб ташлаш усулини такомиллаштириш орқали хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажриба орқали шиллиқ ости қаватига инъекция қилиш орқали ва меъда-ичак шиллиқ қаватининг етарли даражада кўтарилишини таъминлаш учун гелли субстанциянинг оптимал концентрациясини аниқлаш;

гелли шиллиқ ости “ёстикча”сини яратишдан кейинги меъда-ичак шиллиқ қавати резекцияси учун лазер таъсир кўрсаткичларига аниқлик киритиш;

гелли лифтингдаги шиллиқ қаватни лазер билан кесиш пайтида гистоструктуранинг маҳаллий хусусиятларини текшириш учун морфологик тадқиқотлар ўтказиш;

диодли лазердан фойдаланиш асосида меъда-ичак йўллари шиллиқ қаватининг юзаки хосилаларини эндоскопик олиб ташлаш усулини ишлаб чиқиш;

юқори меъда-ичак йўллариининг юзаки хосилаларини олиб ташлашдан кейинги даврда тавсия этилган усулнинг самарадорлигини баҳолаш учун клиник тадқиқотлар ўтказиш;

йўғон ичак шиллиқ қаватининг юзаки хосилаларини олиб ташлашдан кейинги даврда тавсия этилган усулнинг клиник самарадорлигини баҳолаш;

меъда-ичак йўллариининг юзаки хосилаларини эндоскопик эксцизияси бўйича тавсия этилган усулнинг умумий самарадорлигини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 246 беморда МИЙ шиллик ости қаватининг юзаки янги хосилаларининг эндоскопик даволаш натижаларининг ретроспектив таҳлили олинган, улардан 352 та хосила олиб ташланган, проспектив тадқиқот эса асосий гуруҳда - 214 беморда олиб борилган, уларда таклиф этилган усул билан 319 та хосила олиб ташланган. Эндоскопик аралашувлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” давлат муассасасида - 43 беморда, шунингдек 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда «ENDOMED+» хусусий клиникасида 417 беморда амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг предмети** юқори энергияли лазер таъсири ва гел шаклидаги гемостатик ва антисептик воситалар комбинациясини шиллик ости қатламга юбориш ёрдамида меъда-ичак шиллик қаватининг юзаки хосилаларини эндоскопик олиб ташлашнинг ишлаб чиқилган усули самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, экспериментал, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меъда-ичак йўллариининг юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган хосилаларни техник хусусиятлари эксцизиянинг специфик оқибатлари хавфини камайтиришга, шунингдек, патологиянинг маҳаллий қайталаниш ҳолатларини камайтиришга қаратилган эндоскопик олиб ташлаш усули ишлаб чиқилган;

полипсимон хосилани олиб ташлаш мақсадида меъда-ичак шиллик қаватининг етарлича лифтингини амалга ошириш учун Хемобен кукунини 0,1% метилен кўки эритмасида эритиш йўли билан олинган 4-5% гелни қўллаш оптимал эканлиги аниқланган;

шиллик қаватининг гелли лифтинги билан таклиф этилган лазерли эксцизия усули амалга оширилганда меъда ёки йўғон ичакнинг чуқур қаватлари зарарланишининг хавфи сезиларли даражада камайиши, инфицирланган яралар ва некротик қопламалар ҳосил бўлиши кузатилмаслиги ҳамда гелнинг тўлиқ сўрилиши 5-7 кун ичида содир бўлиши исботланган;

юзаки хосилаларни эксцизия қилиш соҳасида таклиф қилинган комбинацияланган гелли субстанцияни шиллик қават остига инъекция қилиш йўли билан ёстиқча ҳосил қилиш маҳаллий гемостатик, яллиғланишга қарши ва регенератив таъсир кўрсатишни таъминлаши, шунингдек, аралашув худудини назорат қилишни яхшилаши аниқланган;

таклиф этилган эндоскопик эксцизия усулини юқори энергияли лазер таъсирини қўллаган ҳолда амалга ошириш жойлашуви, шакли ва ўлчамидан қатъий назар юзаки хосилаларни олиб ташлашнинг радикаллигини ошириши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шиллик ости инъекциянинг 4-5% концентрациядаги гелли композицияси оқиб кетмаслиги, етарли даражадаги лифтингни таъминлаши ва лазер

жарроҳлик амалиётини амалга ошириш чегараларини аниқ белгилашга имкон бериши тажрибада исботланган;

меъда-ичак йўлларининг юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган хосилаларини эндоскопик олиб ташлашнинг тавсия этилган усули, амалиётнинг хавфсизлиги ва сифатини ошириши, маҳаллий асоратларнинг ривожланиш тезлигини пасайишини таъминлаши аниқланган;

неопластик жараённинг морфоструктурасининг локализацияси, ҳажми, шакли ва хусусиятларидан қаътий назар, меъда-ичак йўлларининг шиллик қаватининг юзаки хосилаларини эксцизиясини тавсия этилган усулини қўллаш имконияти асослаб берилган;

тавсия этилган гелли субстанцияни юзаки хосилаларнинг шиллик ости қаватга инъекция юбориш эндоскопик аралашув пайтида ва ундан кейинги даврда геморрагик асоратларни ривожланиш хавфини камайтириши исботланган;

электрокоагуляцияга қараганда камроқ пенетрацион кучга эга бўлган юқори энергияли лазердан фойдаланиш шиллик қават хосиласининг эксцизия қилинган зонасида “ёстикча” ҳосил қилиш билан биргаликда мушак-сероз қатламига зарар етказиш ва шунга мос равишда орган тешилиши хавфини олдини олиши тасдиқланган;

меъда-ичак йўлларининг юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган хосилаларни эндоскопик даволашнинг ишлаб чиқилган усули ўзига хос асоратланишлар частотасини ва рецидив хавфини камайтириш орқали яқин ва узоқ натижалар улушини оширишни таъминлаши исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларидан фойдаланиш, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш асосида таъминланган, диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари замонавий илмий-амалий тасаввурлар ва МИЙнинг полипсимон хосилалари билан касалланган беморларни диагностика қилиш ва жарроҳлик даволашга бўлган ёндашувларга асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар назарий аҳамиятга эга бўлиб, шиллик қаватнинг юзаки хосилаларини эксцизия қилишда шиллик қаватнинг дозали деструкциясини, шунингдек, гелнинг юқори гемостатик ва яллиғланишга қарши фаоллигини таъминлаш имконини берувчи юқори энергияли диод лазер ҳамда антисептик ва гемостатик воситаларни ўз ичига олган гелли субстанцияни шиллик қават ости инъекцияси билан биргаликда қўлланилганда меъда-ичак йўллари шиллик қаватларининг морфологик ўзгаришлари ҳақидаги мавжуд тасаввурларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида меъда-ичак йўлларининг полипсимон ва полипсимон бўлмаган янги хосилаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг тактик-техник жиҳатлари оптималлаштирилганлиги, таклиф этилган эндоскопик

олиб ташлаш усулининг самарадорлиги исботланганлиги, бу жарроҳлик аралашуви вақтида ва ундан кейинги яқин даврда қон кетиш асоратларининг ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтирганлиги, шунингдек, специфик асоратлар частотасини ва рецидив шаклланиш хавфини камайтириш ҳисобига яхши яқин ва узоқ муддатли натижалар улушини оширишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Меъда-ичак йўллариининг полипсимон ва полипсимон бўлмаган шаклларидаги янги ҳосилаларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: меъда-ичак йўлларида юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган ҳосилаларни техник хусусиятлари эксцизиянинг специфик оқибатлари хавфини камайтиришга, шунингдек, патологиянинг маҳаллий қайталаниш ҳолатларини камайтиришга қаратилган эндоскопик олиб ташлашнинг ишлаб чиқилган усули (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2024 йил 25 апрелдаги IAP 7677-сонли ихтиро учун патенти) Тошкент давлат стоматология институти томонидан 2024 йил 10 июлда 01-р/15-сон ва 2024 йил 2 августда 01-р/19-сон билан тасдиқланган “Ошқозон-ичак трактининг юзаки полипоид ва полипоид бўлмаган ҳосилаларини эндоскопик олиб ташлаш усулини такомиллаштириш” ва “Йўғон ичакнинг юзаки полипоид ҳосилаларини эндоскопик даволашнинг янги усули” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 июлдаги 78-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 августдаги 123/1-I-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 14 сентябрдаги 96-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/7-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: Асоратлар сонининг камайиши ва беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши реабилитация муддатини қисқартиришга олиб келади. Бу усул беморларни ногиронликка чиқишдан сақлайди, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилади ва даволаш самарадорлигини оширади. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: Тадқиқотга 50 нафар бемор жалб этилган бўлиб, уларнинг 15 нафарида (30%) анъанавий усуллар қўлланилганда асоратлар юзага келган, бу эса беморларни касалхонада бўлиш муддатини ўртача 3 кунга узайтирган. Янги усулни жорий этиш ушбу асоратларнинг олдини олиш имконини берди, бу эса беморларнинг стационарда бўлиш муддатини ва даволаниш харажатларини сезиларли даражада қисқартирди. Бир бемор учун 1 кунлик тежамкорлик: 365 000 сўм. 3 кун учун тежамкорлик:  $365\ 000 \times 3 = 1\ 095\ 000$  сўм. 15 нафар пациент учун умумий тежамкорлик:  $1\ 095\ 000 \times 15 = 16\ 425\ 000$  сўм. Хулоса: меъда-ичак йўллари ҳосилаларини эндоскопик олиб ташлаш бўйича ишлаб чиқилган усул 15 нафар беморда асоратлар келиб чиқишининг олдини олиб, умумий 16 425 000 сўм иқтисод қилинади. Янги ёндашув нафақат даволаш харажатларини камайтиради, балки

реабилитация самарадорлигини оширади, беморларнинг стационарда бўлиш муддатини қисқартиради ва тиббий ёрдам сифатини яхшилади.

иккинчи илмий янгилик: полипсимон хосилани олиб ташлаш мақсадида меъда-ичак шиллик қаватининг етарлича лифтингини амалга ошириш учун Хемобен кукунини 0,1% метилен кўки эритмасида эритиш йўли билан олинган 4-5% гелни қўллаш оптимал эканлиги аниқланганлиги Тошкент давлат стоматология институти томонидан 2024 йил 10 июлда 01-р/15-сон ва 2024 йил 2 августда 01-р/19-сон билан тасдиқланган “Ошқозон-ичак трактининг юзаки полипоид ва полипоид бўлмаган хосилаларини эндоскопик олиб ташлаш усулини такомиллаштириш” ва “Йўғон ичакнинг юзаки полипоид хосилаларини эндоскопик даволашнинг янги усули” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 июлдаги 78-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 августдаги 123/1-I-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 14 сентябрдаги 96-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/7-сон хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: амалиётни вақтида тўқималарни шикастланишини камайтириш ва операция зонасининг визуализациясини яхшилаш даволаш сифати, беморлар реабилитация муддатини қисқартириш ва муваффақиятли оператив амалиётлар улушини оширишга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Гелдан фойдаланиш натижасида шиллик ости тўқималарнинг шикастланиши каби асоратлар хавфи камайди. 40 нафар бемор орасида 12 нафарида асоратларнинг олди олиниб, стационарда бўлиш муддати 2 кунга қисқартиради. Бир бемор учун 1 кунлик тежамкорлик: 365 000 сўм. 2 кун учун тежамкорлик:  $365\ 000 \times 2 = 730\ 000$  сўм. 12 нафар бемор учун умумий тежамкорлик:  $730\ 000 \times 12 = 8\ 760\ 000$  сўм. Хулоса: Эндоскопик аралашувларда ушбу технологиядан фойдаланиш нафақат даволашнинг клиник самарадорлигини оширади, балки асоратлар хавфини камайтириш ҳисобига маблағ иқтисоди таъминлайди. Умумий тежамкорлик 8 760 000 сўмни ташкил қилди, бу эса тавсия этилган усулни иқтисодий жиҳатдан манфаатли ва оммабоп бўлишини таъминлайди.

учинчи илмий янгилик: шиллик қаватнинг гелли лифтинги билан таклиф этилган лазерли эксцизия усули амалга оширилганда меъда ёки йўғон ичакнинг чуқур қаватлари зарарланишининг хавфи сезиларли даражада камайиши, инфицирланган яралар ва некротик қопламалар ҳосил бўлиши кузатилмаслиги ҳамда гелнинг тўлиқ сўрилиши 5-7 кун ичида содир бўлиши исботланганлиги Тошкент давлат стоматология институти томонидан 2024 йил 10 июлда 01-р/15-сон ва 2024 йил 2 августда 01-р/19-сон билан тасдиқланган “Ошқозон-ичак трактининг юзаки полипоид ва полипоид бўлмаган хосилаларини эндоскопик олиб ташлаш усулини такомиллаштириш” ва “Йўғон ичакнинг юзаки полипоид хосилаларини эндоскопик даволашнинг янги усули” номли услубий тавсияномалар

мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 июлдаги 78-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 августдаги 123/1-I-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 14 сентябрдаги 96-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/7-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: меъда-ичак йўллари шиллик қаватининг тикланиш муддатини қисқартириш беморларни ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради, бу эса уларга кундалик фаолиятларига тезроқ қайтиш имконини беради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: гелли ёстиқча билан диодли лазер эксцизия қўлланган 60 нафар бемор орасида 20 нафар (33%) асоратлар кузатилмаган, жумладан, яллиғланиш жараёнлари, тўқималарни тикланиши секинлашиши ёки қўшимча хирургик аралашувларга эҳтиёж бўлмаган. Стационарда қолиш харажатлари ҳар бир кун учун 365 000 сўмни ташкил қилган. Янги усул туфайли асоратлардан сақланган 20 нафар бемор учун умумий тежамкорлик:  $365\ 000\ \text{сўм} \times 1\ \text{кун} \times 20\ \text{бемор} = 7\ 300\ 000\ \text{сўм}$ . Хулоса: гелли шиллик ости ёстиқчаси билан лазерли эксцизия усули асоратлар юзага келиши эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради, беморларни стационарда бўлиш муддатини қисқартиради ва тиббиёт муассасаларига молиявий юкламани камайтиради. Умумий тежамкорлик 20 нафар бемор учун 7 300 000 сўмни ташкил қилди, бу эса методиканинг юқори иқтисодий самарадорлигини тасдиқлайди.

тўртинчи илмий янгилик: юзаки ҳосилаларни эксцизия қилиш соҳасида таклиф қилинган комбинацияланган гелли субстанцияни шиллик қават остига инъекция қилиш йўли билан ёстиқча ҳосил қилиш маҳаллий гемостатик, яллиғланишга қарши ва регенератив таъсир кўрсатишни таъминлаши, шунингдек, аралашув ҳудудини назорат қилишни яхшилаши аниқланганлиги Тошкент давлат стоматология институти томонидан 2024 йил 10 июлда 01-р/15-сон ва 2024 йил 2 августда 01-р/19-сон билан тасдиқланган “Ошқозон-ичак трактининг юзаки полипоид ва полипоид бўлмаган ҳосилаларини эндоскопик олиб ташлаш усулини такомиллаштириш” ва “Йўғон ичакнинг юзаки полипоид ҳосилаларини эндоскопик даволашнинг янги усули” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 июлдаги 78-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 августдаги 123/1-I-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 14 сентябрдаги 96-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/7-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: гелни меъда-ичак йўллари шиллик ости қаватига юбориш орқали ҳосил бўлган ёстиқча фойдаланиш оператив амалиётдан кейинги асоратларни камайтиради ва беморларнинг реабилитациясини тезлаштиради. Бу эса даволаш сифатини яхшилашга тикланиш учун зарур бўлган вақтни қисқартиришга ёрдам беради.

Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотда гелни шиллик остига юбориб эксцизия амалга оширилган 50 нафар бемор кузатилди, анъанавий усуллар билан даволанган 18 (36%) нафар беморда қон кетиш каби асоратлар кузатилди, бу эса касалхонада бўлиш муддатини ошишига олиб келди. Тавсия этилган усулдан фойдаланиш асоратларнинг олдини олиш имконини берди, қўшимча даволанишга бўлган эҳтиёжни камайтирди. Стационар даволаниш учун энг кам харажат ҳар бир кун учун 365 000 сўмни, гел ёстикчадан фойдаланиш оқибатида асоратлари бўлмаган 18 нафар бемор учун ҳар бир даволаниш куни учун 6 570 000 сўмни ташкил этди. Хулоса: гелли ёстикча ёрдамида эксцизияни амалга ошириш келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни камайтиради ва касалхонада бўлиш вақтини қисқартиради ва (18 нафар бемор)да 6 570 000 сўмдан кунига иқтисод қилинади;

бешинчи илмий янгилик: таклиф этилган эндоскопик эксцизия усулини юқори энергияли лазер таъсирини қўллаган ҳолда амалга ошириш жойлашуви, шакли ва ўлчамидан қатъий назар юзаки хосилаларни олиб ташлашнинг радикаллигини ошириши исботланганлиги Тошкент давлат стоматология институти томонидан 2024 йил 10 июлда 01-р/15-сон ва 2024 йил 2 августда 01-р/19-сон билан тасдиқланган “Ошқозон-ичак трактининг юзаки полипоид ва полипоид бўлмаган хосилаларини эндоскопик олиб ташлаш усулини такомиллаштириш” ва “Йўғон ичакнинг юзаки полипоид хосилаларини эндоскопик даволашнинг янги усули” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 24 июлдаги 78-сон, Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 12 августдаги 123/1-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2024 йил 14 сентябрдаги 96-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2024 йил 13 ноябрдаги 8/7-сон хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: хосилани тўлиқ олиб ташлаш такрорий жарроҳлик аралашув хавфини камайтириб беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилади ва уларни реабилитация қилиш вақтини қисқартиради. Илмий янгилик натижаларининг иқтисодий самарадорлиги: 70 бемордан иборат гуруҳда анъанавий даволаш усулларида фойдаланганда 22 (31%) беморда қайталаниш кузатилиб, қўшимча жарроҳлик аралашувларни талаб этди. Лазерли эксцизияда орқали амалга оширилган амалиётларда асоратлар кузатилмади, ҳар бир оператив амалиёт нархи 1 500 000 сўмга қисқарди. Гуруҳ бўйича жами тежаб қолинган маблағ 33 000 000 сўмни ташкил этди. Хулоса: юқори диодли лазерли эксцизия орқали асоратлар сонини ва такрорий оператив амалиётларга эҳтиёжни камайтиради, бу нафақат жарроҳлик амалиёти самарадорлигини ошириб, такрорий амалиётлар кузатилмаган 22 нафар беморда 33 000 000 сўмни тежаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 234 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асосланади, объект ва предметлари тавсифланади, тадқиқотнинг Республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг бажарилиши, чоп этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши очиқ берилган.

Диссертациянинг **"Меъда-ичак йўллари полипсимон ҳосилалари жарроҳлигининг эволюцияси"** деб номланган биринчи бобида адабиёт маълумотлари шарҳи келтирилган. Меъда-ичак саратонининг олдини олишда полипозни ташхис қилишнинг долзарблиги каби масалалар таҳлил қилинган, ушбу патологиянинг хусусиятларини эндоскопик текшириш жиҳатлари, полипсимон ва полипсимон бўлмаган янги ҳосилаларнинг замонавий таснифлари кўриб чиқилган. Шунингдек, яқин ва узоқ муддатдаги асоратлар, қайталанишлар ҳамда тадқиқотнинг заруриятини асослашнинг муаммоли масалалари муҳокама қилиниб, уларни эндоскопик даволаш методлари ёритилган.

Диссертациянинг **"Экспериментал, клиник материаллар ва қўлланилган тадқиқот усуллариининг тавсифи"** деб номланган иккинчи бўлимида тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилган. Ушбу диссертациянинг асоси меъда-ичак йўллари шиллик қаватидаги юзаки полипсимон ҳосилаларни эндоскопик олиб ташлашнинг янги усулини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, у ушбу ҳосилаларнинг ўзига хос асоратланишлари ва қайталанишларнинг ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган. Тадқиқот икки йўналишни ўз ичига олади: экспериментал ва клиник.

Экспериментал қисм, шиллик қаватнинг юзаки ҳосилаларини олиб ташлашда антисептик ва гемостатик воситалардан иборат бўлган гелли модда билан шиллик ости инъекциясини қўллаган ҳолда, юқори энергияли диодли лазердан фойдаланиш имкониятларини ўрганишга бағишланган.

Клиник тадқиқот 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда ретроспектив форматда ўтказилган. Ретро-проспектив таҳлил 246 беморда ошқозон-ичак тракти шиллик қаватининг юзаки ҳосилаларини эндоскопик даволаш натижаларини ўз ичига олган бўлиб, уларда 352 та ҳосила олиб ташланган. Проспектив тадқиқот асосий гуруҳда ўтказилган – 214 беморда таклиф

этилган усул билан 319 та ҳосила олиб ташланган. Энг кўп ҳосилалар ошқозондан олиб ташланган – таққослаш гуруҳидаги 127 (51,6%) бемор ва асосий гуруҳдаги 109 (50,9%) беморда, қизилўнгачдан таққослаш гуруҳидан 3 нафар беморда (1,2%) ва асосий гуруҳда 4 нафар бемор (1,9%), ўн икки бармоқли ичакдан (ЎБИ) 4 (1,6%) ва 5 (2,3%) ҳосилалар олиб ташланган. Йўғон ичакдан 112 (45,5%) ва 96 (44,9%) беморда ҳосилалар олиб ташланган.

**Меъда-ичак йўллари (МИЙ) юқори бўлимларида юзаки неопластик шикастланишлари бўлган беморларнинг тавсифи.** Юзаки ҳосилаларнинг меъда-ичак йўллари (МИЙ) юқори бўлимида жойлашиши (қизилўнгач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак) таққослаш гуруҳида 134 (54,5%) беморда (182 та ҳосила олиб ташланган) ва асосий гуруҳда 118 (55,1%) беморда (167 та ҳосила олиб ташланган) аниқланган (1–жадвал).

### 1–жадвал

#### МИЙ юқори қисмидаги ҳосилаларнинг локализацияси ва ҳажми (ҳосилалар сонидан келиб чиқиб)

Локализация	Ҳажми (см)						Жами	
	<0,5	0,5-1,0	1,1-2,0	2,1-2,5	2,6-3,0	>3,0	абс.	%
Таққослаш гуруҳи								
Қизилўнгач пастки 3/1 қисми	1	2					3	1,6%
Ошқозоннинг фундал қисми	7	28	7	2	1		45	24,7%
Ошқозон танаси	6	31	11	1			49	26,9%
Ошқозоннинг антрал қисми	8	39	5	2	1	1	56	30,8%
Ошқозоннинг бир неча бўлими	10	13	2				25	13,7%
Ўн икки бармоқли ичак	2	2					4	2,2%
ЖАМИ (абс)	34	115	25	5	2	1	182	100,0%
ЖАМИ (%)	18,7%	63,2%	13,7%	2,7%	1,1%	0,5%		
Асосий гуруҳ								
Қизилўнгач пастки 3/1 қисми	1	3					4	2,4%
Ошқозоннинг фундал қисми	6	28	3	2	1		40	24,0%
Ошқозон танаси	4	26	10	3	1		44	26,3%
Ошқозоннинг антрал қисми	4	30	11	2	2	2	51	30,5%
Ошқозоннинг бир неча бўлими	7	14	2				23	13,8%
Ўн икки бармоқли ичак	2	3					5	3,0%
ЖАМИ (абс)	24	104	26	7	4	2	167	100,0%
ЖАМИ (%)	14,4%	62,3%	15,6%	4,2%	2,4%	1,2%		

Таққослаш гуруҳидаги ҳосилаларларнинг ўртача ўлчами  $0,9 \pm 0,6$  см, асосий гуруҳда  $1,0 \pm 0,7$  см ни ташкил этган ( $t=1,60$ ;  $p>0,05$ ).

Эндоскопик текширувда юзаки неопластик зарарланишларнинг морфологик шакли Париж эндоскопик таснифига мувофиқ аниқланган (2002). Аксарият ҳолларда, полипсимон ҳосилалар олиб ташланган (0-Ip, 0-Is) – таққослаш гуруҳида 170 (93,4%) ва асосий гуруҳда 149 (89,2%). Полипсимон бўлмаган бир оз кўтарилган (бўртиб турувчи) юзаки ҳосилалар (0-IIa), мос равишда 12 (6,6%) ва 18 (10,8%) ҳолатда олиб ташланган. Таққослаш гуруҳидаги эндоскопик аралашувлар қуйидагиларни ўз ичига олган: биопсия

қисқичлари билан совуқ усулда олиб ташлаш – 16 (8,8%) ҳолатда, эндоскопик ҳалқа билан совуқ усулда олиб ташлаш – 26 (14,3%) ҳолатда, электроэксизия билан хароратли олиб ташлаш – 94 (51,6%) ҳолатда, EMR – 25 (13,7%) ҳолатда ва шиллиқ ости қатлами диссекцияси (ESD) – 21 (11,5%) ҳолатда. Асосий гуруҳда янги эндоскопик усул қўлланилган, хароратли лазер эксизия йўли билан олиб ташлаш 90 (53,9%) ҳолатда, EMR – 42 (25,1%) ва ESD – 35 (21,0%) ҳолларда амалга оширилган.

**Юзаки неопластик йўғон ичак шикастланишга бўлган беморларнинг хусусиятлари.** Ушбу кичик гуруҳга йўғон ичакда юзаки ҳосилалари бўлган беморлар киритилган, таққослаш гуруҳида - 112 бемор (170 та ҳосила олиб ташланган) ва асосий гуруҳда - 96 бемор (152 та ҳосила олиб ташланган) (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Йўғон ичакдаги ҳосилаларнинг локализацияси ва ҳажми (умумий ҳосилалар сонидан келиб чиқиб)

Локализация	Ҳажми (см)						Жами	
	0,5 гача	0,5-1,0	1,1-2,0	2,1-2,5	2,6-3,0	>3,0	абс.	%
Таққосаш гуруҳи								
Кўр ичак	4	3	5	9	2	0	23	13,5%
Кўтарилувчи чамбар ичак	3	7	6	15	5	1	37	21,8%
Кўндаланг-чамбар ичак	2	5	8	10	4	2	31	18,2%
Тушувчи чамбар ичак	2	1	2	4	1	0	10	5,9%
Сигмасимон ичак	3	7	8	34	6	1	59	34,7%
Тўғри ичак	2	2	3	3	0	0	10	5,9%
ЖАМИ (абс)	16	25	32	75	18	4	170	100,0%
ЖАМИ (%)	9,4%	14,7%	18,8%	44,1%	10,6%	2,4%		
Асосий гуруҳ								
Кўр ичак	3	2	4	6	2	0	17	11,2%
Кўтарилувчи чамбар ичак	4	6	7	16	4	1	38	25,0%
Кўндаланг-чамбар ичак	1	5	7	10	4	2	29	19,1%
Тушувчи чамбар ичак	0	0	1	2	2	0	5	3,3%
Сигмасимон ичак	3	7	8	31	6	1	56	36,8%
Тўғри ичак	1	2	2	2	0	0	7	4,6%
ЖАМИ (абс)	12	22	29	67	18	4	152	100,0%
ЖАМИ (%)	7,9%	14,5%	19,1%	44,1%	11,8%	2,6%		


0-Is типидagi полипсимон янги ҳосилалар таққослаш гуруҳида 42 (24,7%) ва асосий гуруҳда 39 (25,7%) ҳолларда олиб ташланди. Бир оз кўтарилган (бўртиб турувчи) (0-IIa) типидagi юзаки ҳосилалар, мос равишда 125 (73,5%) ва 109 (71,7%) ҳолларда олиб ташланган, LST (латерал-тарқалувчи ҳосилалар) типидagилари, мос равишда 3 (1,8%) ва 4 (2,6%) ҳолларда олиб ташланган.

Таққослаш гуруҳидаги эндоскопик аралашувлар қуйидагиларни ўз ичига олган: биопсия қисқичлари билан совуқ усулда олиб ташлаш – 16 (9,4%) ҳолатда, эндоскопик ҳалқа билан совуқ усулда олиб ташлаш – 34 (20%) ҳолатда, электроэксизия билан термал олиб ташлаш – 58 (34,1%) ҳолатда, EMR – 43 (25,3%) ҳолатда ва шиллиқ остикатлами диссекцияси (ESD) – 19 (11,2%) ҳолатда. Асосий гуруҳда янги эндоскопик усул қўлланилган,


хароратли лазер эксцизия йўли билан олиб ташлаш 72 (47,4%) ҳолатда, EMR – 48 (31,6%) ва ESD – 32 (21,1%) ҳолларда амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи боби "**Ошқозондаги шиллик қават резекциясида Хемобен гелини шиллик ости киритишнинг самарадорлиги**" деб номланган бўлиб, унда экспериментал тадқиқотларнинг биринчи қисми баён этилган. Экспериментал тадқиқотларнинг биринчи қисми ошқозон ва йўғон ичак девори тўқималарининг Хемобен гелини киритишга реакциясини ўрганишга бағишланган. Натижалар шуни кўрсатдики, 5% гелни қўллаш оптимал концентрация бўлиб, гел ўз хусусиятларни 5-15 дақиқа давомида сақлайди. Метилен кўкининг 0,1% эритмасида 5% Хемобен гелининг шиллик ости киритилиши шиллик қават остида 30 дақиқа давомида асл шаклини сақлаб турувчи етарли зичликдаги ёстиқни ҳосил қилиши аниқланган. Шу билан бирга, игна киритилган жойларда гематома ёки гелнинг оқиши кузатилмайди, шиллик қават некрози, эрозияси ёки ошқозон ярасининг пайдо бўлиш белгилари кузатилмаган, бу назорат гуруҳида қайд этилган.

Экспериментнинг кейинги босқичида Хемобен гели ёрдамида ошқозон мукозектомияси ўтказилган. "Ёстиқча" ҳосил қилинганидан сўнг, юқори энергияли лазер нурланишидан фойдаланган ҳолда ошқозон шиллик қаватининг қисман резекцияси амалга оширилди. Ушбу гуруҳда усул шиллик қаватни қон кетишисиз аниқ резекция қилишга имкон берди. Гель ёстиқчаси лазер нурларининг шиллик ости қатламдан ташқарига ўтишига тўсқинлик қилган. Дефектли зоналар 7 сутка ичида ифодаланган яллиғланиш ва асоратларсиз тикланган (1-2 расм).



**1-расм. Шиллик ости қатламдаги гел, ўрта калибрли қон томирларининг ёпишиб қолиши, шиш ва мушак толалари дистрофияси. Экспериментал гуруҳда ошқозон деворининг микрографияси, 3-сутка. ГЭ. × 40.**




**2-расм. Базавий мембрананинг бириктирувчи тўқима асосининг рельеф юзасининг нотекисликлари (оқ ранг билан белгиланган), шиллик қатлам толачаларининг рельефи тикланган, патологик ўзгаришлар бўлмаган. Ошқозон- тажриба. 7-сутка. ГЭ. × 40.**

Метил кўкининг 0,1% эритмаси қўлланилган ҳайвонларнинг назорат гуруҳида "ёстиқча", кесилган зонани аниқ ажратиб олишга имкон бермаган, тез сўрилиб кетган ва сезиларли гемостатик таъсир кўрсатмаган, лазер билан таъсир кўрсатишда эса, лазер нурларининг ошқозон девори чуқур қатламларига кириб боришидан тўлиқ ҳимоя қилишга имкон бермаган, бу эса


хайвонларнинг тўртдан бирида сероз девори некрози ва йирингли-септик асоратларнинг ривожланишига олиб келган.

Диссертациянинг **"Йўғон ичакда полипэктомия бажаришда Хемобен гелини шиллиқости юбориш самарадорлигини экспериментал баҳолаш"** деб номланган тўртинчи бобида экспериментал тадқиқотларнинг иккинчи қисми баён этилган.

Олинган натижаларга асосланиб, гелли модданинг тавсия этилган тури ёрдамида шиллиқ қаватда лифтинг шакллантириш билан биргаликда жарроҳлик лазеридан фойдаланиш, яллиғланиш реакциясининг сезиларли даражада пасайишига ва тикланиш жараёнининг тезлашишига олиб келиши, ва шу билан бирга сероз қатлам ва шиллиқ ости томирлар бутунлиги сақланиб қолиши, асоратланган яралар ва некротик доғ пайдо бўлиш хавфи минималлашиши, гелнинг 7-суткага келиб сўрилиши морфологик равишда аниқланган (3-4 расм).



3-расм. Толачалар атрофияси (оқ ранг билан белгиланган), шиллиқ ости қатламдаги гель, нейтрофил чўкмалари йўқ. Йўғон ичак, лазер ва гель ёрдамида амалга оширилган операциядан 3 сутка ўтган пайти. ГЭ. × 40.



4-расм. Базавий мембрананинг бириктирувчи-тўқима тузилмаси толачаларининг тикланиши (стрелкалар билан кўрсатилган). Шиллиқ ости бўшлиқда гель аниқланмаган. Шиллиқ қаватнинг тикланиши. 7-сутка. Тажриба. ГЭ. × 40.

Назорат гуруҳида лазер таъсири остида 0,1% метилен кўки эритмасидан шаклланган сув "ёстикчаси"ни қўллаш, лазер нурларининг йўғон ичак девори чуқур қатламларигача етиб боришидан тўлиқ ҳимоя қилиш имконини бермаган, дефектли зоналарнинг тикланиши анча секин кечган. Инфекцияланган яралар ва некротик қаватнинг шаклланиши кузатилган, шунингдек, ичакни қуршаб турган тўқимасида йирингли-некротик яллиғланиш ҳам кузатилган.

Тажрибанинг якуний қисми 12-14 кг оғирликдаги Гвинея чўчкаларида ошқозон ва йўғон ичак шиллиқ қаватини эндоскопик резекция қилиш бўлган. Шаклланган ёстикча аниқ кўриниб турган, шиллиқ қават 5-6 мм га кўтарилган, бу эса мукозэктомияни амалга оширишни осонлаштирган. Лазер билан кесиш жараёни қон кетиш аломатларисиз ўтган, шиллиқ ости қатлами яхши кўриниб турган ва гель ошқозоннинг сероз қатламининг лазер нурланишидан зарарланишини муҳофаза қилган. Динамикада кузатиш гель сўрилишидан сўнг ошқозоннинг шиллиқ қаватининг ёпилиб бораётгани ва бу дефектли зонанинг тикланиш жараёнини яхшилаганлигини кўрсатган.

Диссертациянинг бешинчи бўлими «Меъда-ичак йўлларида юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган ҳосилаларни эндоскопик олиб ташлаш усулини такомиллаштириш» деб номланган бўлиб, таклиф этилган усулнинг техник жиҳатлари баён қилинган. Қўйилган мақсад, МИЙ полипларини эндоскопик олиб ташлаш усулини қуйидагича амалга ошириш йўли билан эришилди (1, 2 расмлар):



Шиллиқ ости қатлам пунцияси



Гелли препарат билан инъекция



Шиллиқости “ёстикча” пайдо бўлгунича инъекция юбориш



Полип асосининг лазерли диссекцияси



Олиб ташланган полип асосининг лазерли диссекциядан сўнгги кўриниши




Олиб ташланган полип асосининг лазерли диссекциядан сўнгги тромбларсиз кўриниши

1-расм. Ошқозон полипини олиб ташлаш босқичлари




**Гель композицияси билан инъекция бошланиши**



**Инъекциядан сўнг полипни кўтариш**



**Эксцизия бошланиши**



**Ҳосила олиб ташланган соҳадаги шиллик қават**

## **2-расм. Сигмасимон ичак полипини олиб ташлаш босқичлари**

- Ҳосилаларнинг қаерда жойлашганлигига қараб, қизиқтирган зонанинг текшируви ўтказилади ва полип аниқланади.
- Стерил гель тайёрлаш учун 1,0 г кукун шаклидаги Хемобен композициясини, 20 мл 0,1% метилен кўки эритмаси билан 1 дақиқа давомида доимий аралаштириб турилади.
- Аралаштирилганидан сўнг (қўйиқлашишнинг олдини олиш мақсадида), олинган гель полипнинг асос ҳудудида шиллик ости қаватга эндоскопик инъектор ёрдамида киритилади, 10 мм диаметрли майдонга 1,0 мл миқдоридаги гель билан, полипнинг асосидан 5-7 мм узунликда "ёстикча" шакллантирилади.
- Полипни атрофдаги соғлом шиллик тўқима билан бирга, унинг асосидан 2-3 мм дан кўпроқ жой қолдириб, 10 Вт гача қувватли, импульс режимида 2-5 Гц частотали ва доғ майдони 2 мм гача бўлган, Gbox (GIGAA) тизимининг 1470 нм узунликдаги диодли лазерни қўллаш орқали кесиб ташланади.
- Полипни асоси билан олиб ташлангандан сўнг, дефектнинг четлари ёпилиши учун шиллик қаватдаги дефект бўйлаб икки томондан 0,5 мл

Хемобен гелини (1,0 г Хемобен кукунли композициясини 20 мл 0,1% метилен кўки эритмаси билан аралаштириш натижасида олинган) қайтадан киритадилар.

- Аралашув зонасининг якуний ревизияси ва эндоскопик даволаш тамомланиши.

Усулнинг афзалликлари: тўлиқ ва мустаҳкам гемостазга эришилади; мушак-сероз қатлами зарарланиши хавфининг олди олинади, шунга кўра органнинг перфорация хавфи камаяди; полип асосининг шакли қандай бўлишидан қатъи назар, уни олиб ташлаш радикалиги таъминланади; юқори энергияли лазердан фойдаланилади, бу эса электрокоагуляцияб шунингдек 980-1,06 мкм диапазонли нурлантириш кучига эга инфра қизил (ИК) - лазерларининг кириш қобилияти билан солиштирганда нисбатан камроқ. Шунинг учун, у янада юмшоқроқ хусусиятларга эга.

Диссертациянинг олтинчи бобида **"Юқори меъда-ичак йўлининг юзаки ҳосилаларини эндоскопик аралашувлар натижалари келтирилган."** Такқослаш гуруҳида яхлит блок қилиб бажарилган полипэктомияларнинг улуши 69,8% ни ташкил этган, мос равишда фрагментларга бўлиб 55 та полип олиб ташланган. Асосий гуруҳда, янги эксцизия техникасини амалга оширилганлигини ҳисобга олган ҳолда, бу кўрсаткич, яхлит блок қилиб олинганлар - 82,6% ва фрагментларга бўлиб олинганлар - 17,4% ни ташкил этган. Такқослаш гуруҳида 1 см гача бўлган полипларнинг 149 ҳосиладан 112 (75,2%) таси, асосий гуруҳда эса 128 ҳолатдан 114 (89,1%) таси яхлит блок қилиб олиб ташланган. 1 см дан каттароқ ҳосилаларда бу нисбат - 45,5% га қарши 61,5% ни ташкил этган.

Шиллиқ қавати ҳосилаларини олиб ташлашда эндоскопик аралашувларнинг энг кенг тарқалган мураккаблаштирувчи омили қон кетишидир. Таклиф этилган техника, гемостатик компонент туфайли, бу асоратларнинг частотасини камайтиришга имкон берган. Агар биз геморрагик синдромнинг фақат клиник жиҳатдан аҳамиятли кўринишларини, яъни кўшимча гемостатик чораларни талаб қиладиган кўринишларни кўриб чиксак, манипуляция пайтида такқослаш гуруҳида улар 12 (6,6%) ҳолатда учраган ва асосий гуруҳда умуман кузатилмаган. Эксцизиядан кейинги дастлабки даврда кечиктирилган қон кетиши такқослаш гуруҳида 6 (3,3%) ҳолатда ва асосий гуруҳда фақат 1 (0,6%) ҳолатда ривожланган.

Clavien-Dindo таснифига кўра 2, 3а ва 3б даражаларига мансуб деб топилган клиник аҳамиятга эга асоратларнинг умумий частотаси 3-жадвалда келтирилган.

Бизнинг тадқиқотларимизда такқослаш гуруҳидаги 57 та ҳолатда аниқ морфологик текширишни амалга оширишнинг иложи бўлмади. Шу билан бирга, асосий гуруҳда шиллиқ ости имбибициянинг дастлабки шакллантириш билан лазерли эксцизиядан фойдаланиш ҳисобига, полипларнинг морфологик номаълум вариантларининг улуши атиги 15,6% ни ташкил этди. Гиперпластик характер такқослаш гуруҳида 64,8% ва асосий гуруҳда 61,7% ҳолларда аниқланган. Фундал безларнинг полиплари (мос равишда) 18,4% ва 19,9%

ҳолатни ташкил этган. Полипларнинг аденоматоз тури 16,8% ва 18,4% ҳолларда аниқланган. Малигнизация 4 ва 6 ҳолларда аниқланган.

### 3-жадвал

#### Ҳосилаларни эндоскопик олиб ташлашдан кейинги асоратланишлар частотаси (беморлар сонидан келиб чиқиб)

Асоратланиш	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ	
	абс.	%	абс.	%
Қон кетиши	6	4,5%	1	0,8%
Перфорация (тешилиш)	1	0,7%	0	0,0%
Полипэктомиядан кейинги электрокоагуляция синдроми	3	2,2%	0	0,0%
Асоратларсиз	124	92,5%	117	99,2%
Жами	134	100,0%	118	100,0%
Фарк ( $\chi^2$ )	6,578; df=1; p=0,011			

Морфологик текширув натижасида таққослаш гуруҳидаги 16,8% ва асосий гуруҳидаги 17,7% ҳолларда дисплазиянинг бошқа даражаси аниқланган. Ҳосилаларнинг малигнизацияси фақат 10 та ҳолатда аниқланган (таққослаш гуруҳида 4 та ва асосий гуруҳида 6 та). Малигнизациянинг тасдиқланганлиги ҳисобга олган ҳолда хирургик даволаш таклиф қилинган, аммо жарроҳлик фақат 3 беморда (субтотал ошқозон резекцияси) амалга оширилган, қолган беморлар жарроҳликдан ҳоли бўлишган ва динамикада кузатилган.

Эндоскопик эксцизиялардан кейин беморларни реабилитация қилиш комплекси иккала гуруҳида ҳам тенг равишда ўтказилган. Эндоскопик аралашувлардан сўнг ўртача ётоқ-куни (койко-день) таққослаш гуруҳида  $3,5 \pm 1,2$  ва асосий гуруҳида  $3,1 \pm 0,9$  суткани ташкил этгани қайд этилган ( $t=2,90$ ;  $p<0,05$ ).

Янги усулни клиник қўллашнинг биринчи тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли натижалар 6 ойдан 18 ойгача бўлган муддатларда кузатилган. Таққослаш гуруҳидан 109 бемор, асосий гуруҳдан 98 бемор кузатилган. Таққослаш гуруҳидаги 82,6 фоиз беморларда назорат текширув пайтида релапслар қайд этилмаган, аммо 19 (17,4%) ҳолларда юзаки неоплазмалар ривожланишининг қайталаниши тасдиқланган. Асосий гуруҳида релапс фақат 3 беморда аниқланган.

Олиб ташланган ҳосилаларнинг дастлабки ҳажмига қараб, такрорланиш даражаси ҳам бошқача бўлган. Шундай қилиб, таққослаш гуруҳида 1 см гача бўлган полипларнинг 7,8% ҳолларда, асосий гуруҳида эса 0,9% ҳолларда қайталаниш аниқланган (4-жадвал). 1-2 см полипларда қайталаниш даражаси (мос равишда) 33,3% га қарши 4,5% ни ташкил этган. 2,0 см дан каттарок бўлган полиплар учун - 60% ва 8,3% (мос равишда).

Рецидивнинг яна бир хавф омили - бу ҳосилаларни олиб ташлаш тури ҳисобланади. Таққослаш гуруҳида яхлит блок билан олиб ташлашдан кейинги қайталаниш улуши, таққослаш гуруҳида 5,0%, асосий гуруҳида 0,9% ни ташкил этган. Фрагментларга бўлиб олиб ташлашда ушбу кўрсаткичлар 28,0% ва 7,7% ҳолатгача ошган. Даволашнинг барча натижаларини умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

**Ҳосилаларнинг дастлабки ҳажмига қараб неоплазмалар ривожланиши қайталаниши (ҳосилалар сонидан келиб чиқиб)**

Полип ҳажми	Таққослаш гуруҳи			Асосий гуруҳ			$\chi^2$ (df=1)	
	n	Қайталанган	%	n	Қайталанган	%	Қиймат	p
1 смгача	128	10	7,8%	109	1	0,9%	6,324	0,012
1,0-2,0 см	18	6	33,3%	22	1	4,5%	5,683	0,018
>2,0 см	5	3	60,0%	12	1	8,3%	5,236	0,023
Жами	151	19	12,6%	143	3	2,1%	11,663	<0,001
Қайталанишларсиз	151	132	87,4%	143	140	97,9%		

Тадқиқотимизда биз "яхши" натижалар қаторига, аралашувдан сўнгги қисқа муддатда ривожланган асоратланишларни ва полиплани қайта ҳосил бўлишини истисно қилган натижаларни киритдик. Касаликнинг қайталаниши қайд этилмаган, аммо консерватив тарзда ҳал қилинган клиник жиҳатдан муҳим асоратланишлар (постполипэктомия электрокоагуляция синдроми) ёки такрорий эндоскопик аралашув (кечиктирилган қон кетиши) (Clavien-Dindo бўйича 2-3а даражаси) кузатилган натижалар - "қониқарли" деб белгиланди. Узоқ муддатли кузатувда, янги ҳосилалар пайдо бўлишининг қайталанганда - натижалар "қониқарсиз" деб топилди. Агар фақатгина узоқ даврда кузатилган беморларнинг ҳолатини баҳоласак, таққослаш гуруҳидаги яхши натижалар улуши – 73,4% (109 бемордан 20 таси), қониқарли – 8,3% (9) ва қониқарсиз – 18,3% (20) ни ташкил этди. Асосий гуруҳда натижалар, 95,9% (98 бемордан 94 таси) ҳолларда – яхши, 1,0% (1) да – қониқарли ва 3 (3,1%) ҳолларда – қониқарсиз деб топилди ( $\chi^2=19,562$ ;  $df=2$ ;  $p<0,001$ ).

Диссертациянинг еттинчи бобида **"Йўғон ичак шиллик қаватининг юзаки ҳосилаларини эндоскопик аралашувлар натижалари"** келтирилган. Таққослаш гуруҳида яхлит блок билан қилинган эсцизия улуши 57,1% ни ташкил этди (170 полипдан 97 таси), фрагментларга бўлинган ҳолда 73 (42,9%) полип олиб ташланди. Асосий гуруҳда, эсцизиянинг янги техникасини амалга оширилганини ҳисобга олган ҳолда, бу кўрсаткич – яхлит блок билан – 70,4% (152 полипдан 107) ни, ва фрагментларга бўлиб олинганлар – 45 (29,6%) ни ташкил этди. Таққослаш гуруҳида 1 см гача бўлган полипларнинг 29 таси яхлит блок қилиб олиб ташланди, асосий гуруҳда эса 29 та ҳолатда. 1см дан каттароқ ҳосилалар орасида эса, мос равишда 52,7% ва 66,1% ҳолларда.

Эсцизияларни амалга оширишда таққослаш гуруҳида 71 (41,8%) ҳолатларда ва асосий гуруҳда 108 (71,1%) аралашувларда қон кетиш белгилари қайд этилмаган. Манипуляция пайтида геморрагик синдромнинг клиник жиҳатдан аҳамиятли кўринишлари, таққослаш гуруҳида 4,7% ҳолларда бўлган ва асосий гуруҳда кузатилмаган. Эндоскопик эсцизиядан

сўнги дастлабки даврда, полиплар олиб ташланганидан кейин кечиктирилган қон кетиши - таққослаш гуруҳида 4 (2,4%) ҳолатда ва асосий гуруҳда фақат 1 (0,7%) ҳолатда ривожланган.

Таққослаш гуруҳидаги 112 беморнинг кечиктирилган қон кетишидан ташқари, 1 (0,9%) ҳолатда постполипэктомик электрокоагуляцион синдроми ҳам қайд этилган. Таққослаш гуруҳида 107 (95,5%) ва асосий гуруҳда 95 (99,0%) нафар бемор ҳеч қандай асоратланишларни бошдан кечирмади. Таққослаш гуруҳидан 39 ҳолатда, гистологик текширувга юборилган материални морфологик тасдиқлашнинг иложиси бўлмади, асосий гуруҳда полипларнинг морфологик жиҳатдан номаълум вариантлари улуши атиги 7,9% ни ташкил этди.

Гиперпластик характерли кечиш, таққослаш гуруҳида 36,6% ва асосий гуруҳда 32,9% ҳолларда аниқланган. Малигнизация нуқтаи назаридан энг хавфли аденоматоз типи ва тишсимон ҳосилалар, мос равишда, таққослаш гуруҳида 48,9% ва 14,5% ҳолларда ва асосий гуруҳда 50,7% ва 16,4% ҳолларда аниқланган.

Юқори меъда-ичак йўллари шиллик қаватидан олиб ташланган ҳосилалардан фарқли ўлароқ, йўғон ичакдан олинган препаратларни морфологик текшируви натижасида, таққослаш гуруҳида 51,1% ва асосий гуруҳда 56,4% ҳолларда дисплазиянинг турли даражаси аниқланган. Малигнизация таққослаш гуруҳида 3 ҳолатда ва асосий гуруҳда 4 ҳолатда қайд этилган. Малигнизация ташхис қилиниши билан хирургик даволаш фақат 2 беморда (ўнг томонлама гемокOLONэктомия) амалга оширилган, қолган беморларда жарроҳликдан тийилиб, улар динамикада кузатилган.

Йўғон ичакдаги эндоскопик аралашувлардан кейинги ўртача ётоқ-кунлар сони, таққослаш гуруҳида  $4,0 \pm 1,2$  сутка ва асосий гуруҳда  $3,4 \pm 1,0$  суткани ташкил этди ( $t=4,23$ ;  $p<0,05$ ).

Узоқ натижалар таққослаш гуруҳидаги 91 беморда ва асосий гуруҳдаги 80 беморда кузатилган. Таққослаш гуруҳида 69 (75,8%) беморда контрол текшируви пайтида қайталанишлар қайд этилмаган, аммо 22 (24,2%) ҳолатда юзаки неоплазмаларнинг қайта ривожланиши тасдиқланган. Асосий гуруҳда фақат 4 (5,0%) беморда қайталаниш кузатилган (5-жадвал).


#### 5-жадвал

#### Ҳосилаларнинг дастлабки ҳажмига қараб неоплазмалар ривожланиши қайталаниши (ҳосилалар сонидан келиб чиқиб)

Полип ҳажми	Таққослаш гуруҳи			Асосий гуруҳ			$\chi^2$ (df=1)	
	n	Қайтала ниш	%	n	Қайтала ниш	%	Қиймат	p
1 смгача	26	1	3,8%	21	0	0,0%	0,825	0,364
1,0-2,0 см	26	2	7,7%	24	0	0,0%	1,923	0,166
>2,0 см	93	19	20,4%	88	4	4,5%	10,285	0,002
Жами	145	22	15,2%	133	4	3,0%	12,109	<0,001
Қайталаниш ларсиз	145	123	84,8%	133	129	97,0%		

Шунингдек, таққослаш гуруҳида полипларни яхлит блок билан эксцезия қилишдан сўнг, касалликнинг қайталаниш улуши 7,5% ни ташкил этган. Асосий гуруҳда яхлит блок билан олиб ташланган хосилаларнинг 90 тасидан фақатгина 1 (1,1%) ҳолатда қайталаниш кузатилган. Фрагментлаб олиб ташлаш услуби бу кўрсаткичларни 24,6% ва 7,0% гача оширган.

Ўз навбатида, йўғон ичакда юзаки хосилаларни пайдо бўлишининг қайталаниш хавфи нафақат уларнинг асл ҳажмига ва олиб ташлаш вариантыга, балки хосилаларнинг локализациясига ҳам боғлиқдир (4-расм).



**4-расм. Йўғон ичакнинг чап ёки ўнг ярмида жойлашишига қараб неоплазмаларнинг қайталаниши**

Тадқиқотнинг ушбу қисми натижаларини умумлаштириб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Узоқ муддатли даврда кузатилган беморлар орасида таққослаш гуруҳидаги яхши натижалар улуши 70,3%, қониқарли натижалар – 5,5% ва қониқарсиз натижалар – 24,2% ни ташкил этган. Асосий гуруҳда натижалар 93,8% ҳолларда яхши, 1,3% – қониқарли ва 5,0% ҳолларда – қониқарсиз бўлган.

## ХУЛОСА

1. Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари йўғон ичак ва меъданинг шиллиқ қаватини резекция қилиш учун "ёстикча" сифатида Хемобен кукунини метилен кўкининг 0,1% эритмасида эритиш йўли билан олинган 4-5% гелни киритиш оптимал эканлигини аниқланди, гел бундай консистенцияда оқиб кетмайди, шиллиқ қаватни етарли даражада кўтариш ва

лазер жарроҳлик аралашувини амалга ошириш чегараларини аниқ белгилаш имконини беради.

2. Ошқозон ёки йўғон ичак шиллиқ қаватини, қуввати 8 Вт, нурланиш фокусировкаланган 1,56 мкм диапазонли лазер нурлантиришидан фойдаланган ҳолда экспериментал кесиш, шиллиқ қаватни шиллиқ ости қатлам томирларидан қон кетишисиз аниқ резекция қилишга имкон беради, гель ёстикчаси эса лазер таъсирини шиллиқ ости қатлампидан ошиб бошқа қатламларга киришидан ҳимоя қилади, дефектли зонанинг тикланиши эса 7-10 кун ичида содир бўлади.

3. Метилен кўкининг атиги 0,1% эритмаси ишлатилган ҳайвонларнинг назорат гуруҳида ёстикча, хирургик аралашув зонасини аниқ чегаралашга имкон беради, тезда сўрилиб кетди ва сезиларли гемостатик таъсир кўрсатмади, шу билан бирга яратилган лифтинг лазер нурланрининг ошқозон девори чуқур қатламларига кириб боришини тўлиқ олдини олишга имкон эрмади, бу эса сероз мембранаси некрозига ва операциядан кейинги йирингли-септик асоратларнинг ривожланишига олиб келиши мумкин.

4. Морфологик жиҳатдан аниқланганки, жарроҳлик лазерининг шиллиқ қаватни гелли композиция билан кўтариш билан биргаликда қўлланилиши нафақат чуқур жойлашган тўқималарнинг жароҳатланишини минималлаштириш билан бошқариладиган таъсирни таъминлайди, балки битиш учун қулай шароитларни ҳам яратади, бу гемостатик, яллиғланишга қарши ва регенератив таъсирнинг мавжудлиги билан намоён бўлади, бу эса кўшимча яллиғланиш ёки инфекциясиз тўқималарнинг тезлаштирилган тикланишига ёрдам беради.

5. Тажриба гуруҳида, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, йўғон ичакнинг сероз қавати ва ошқозоннинг шиллиқ ости қаватидаги катта томирларнинг шикастланмаганлиги, таклиф этилган шиллиқ қаватни кўтариш варианты билан лазер таъсирининг кўпроқ тежамли характерга эга эканлигини кўрсатиши мумкин, бунда инфекцияланган яралар ва некротик қопламаларнинг пайдо бўлиши кузатилмаган, ва гелнинг тўлиқ сўрилиши 5-7 кун ичида кўринадиган излар ёки тўқималарга салбий таъсир қолдирмасдан содир бўлган, бу унинг клиник шароитларда фойдаланиш учун самарадорлиги ва хавфсизлигини тасдиқлайди.

6. Ишлаб чиқилган усулнинг техник жиҳатлари, ошқозон-ичак йўлининг юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган янги ҳосилаларини эндоскопик олиб ташлашда, маҳаллий гемостатик таъсирни таъминлаш, аралашув зонаси устидан назоратни яхшилаш учун ҳосила асосига таклиф этилган гелли субстанция билан инъекция юбориб, "ёстикча" шакллантириш ва ҳосиланинг жойлашуви, шакли ва ўлчамларидан қатъи назар, олиб ташлашнинг радикаллигини ошириш мақсадида юқори энергияли лазер таъсирини қўллашдан иборат.

7. Аралашувни ўтказиш назоратини ва унинг сифатини яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқилган усул билан МИЙнинг юқори бўлимида жойлашган юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган янги ҳосилаларни лазер эксцизияси R0-резекцияни 91,5% ҳолларда амалга оширишга имкон берди (1,0 см гача бўлган

полипларда – 96,3%, 1,0 смдан катта бўлганларда – 88,6%), ва йўғон ичак ҳосилаларида 79,7% ҳолларда (2,0 см гача бўлган полипларда – 91,7%, 2,0 смдан катта бўлганларда – 76,9%).

8. МИЙнинг юқори бўлимида жойлашган юзаки янги ҳосилаларни эндоскопик олиб ташлаш усулининг биринчи клиник баҳолаш натижалари, ушбу аралашувларни бажаришда тажриба орттирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу методика эксцизияни яхлит блок билан амалга ошириш эҳтимолини 69,8% дан 82,6% гача оширишини ( $p=0,006$ ), кечиктирилган геморрагик кўринишлар ривожланиш хавфини кескин камайтиришини (3,3% дан 0,6% гача), шунингдек, умумий асоратлар частотасини 7,5% дан 0,8% гача ( $p=0,011$ ) камайтиришини ва аралашувдан кейинги шифохона даври муддатини  $3,5\pm 1,2$  кундан  $3,1\pm 0,9$  кунгача қисқартиришини ( $p<0,05$ ) кўрсатди.

9. Юқори ошқозон-ичак трактининг юзаки неоплазмаларини эндоскопик олиб ташлашнинг узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш натижасида, усулнинг техник хусусиятлари туфайли диодли лазер ёрдамида эксцизияни бажариш, патологиянинг қайталаниш хавфини 17,4% дан 3,1% гача камайтириш имконини берганлигини аниқлади ( $p<0,001$ ), ва бунда бир блок билан олиб ташлашда ҳам (5,0% дан 0,9% гача;  $p=0,034$ ), фрагментланган эксцизияда ҳам (28,0% дан 7,7% гача;  $p=0,040$ ) ҳам ушбу тенденция тенг кузатилган, ўз навбатида полипларнинг дастлабки ўлчамларига қараб, қайталанишлар улуши 1 см гача бўлган ҳосилаларда 7,8% дан 0,9% гача ( $p=0,012$ ), 1-2 см бўлган ҳосилаларда 33,3% дан 4,5% гача ( $p=0,018$ ) ва 2 смдан катта бўлган ҳосилаларда 60,0% дан 8,3% гача ( $p=0,023$ ) камайган.

10. Ишлаб чиқилган техникага мувофиқ йўғон ичак шиллик қаватининг юзаки полипсимон ва полипсимон бўлмаган неоплазмаларини эндоскопик олиб ташлаш, эксцизияни яхлит блок билан ўтказиш эҳтимолини 57,1% дан 70,4% гача оширишга ( $p=0,014$ ), операция вақтида (4,7% дан 0% гача) ҳамда операциядан кейинги даврда кечиктирилган қон кетишлар хавфини кескин камайтиришга (2,4% дан 0,7% гача) ( $p=0,012$ ) имкон берди, шунингдек умумий асоратлар частотасини 4,5% дан 1,0% гача камайтирди, бунда операциядан кейинги шифохона даври муддати  $4,0\pm 1,2$  кундан  $3,4\pm 1,0$  суткагача қисқарди ( $p<0,05$ ).

11. Йўғон ичакдан юзаки янги ҳосилаларни олиб ташлашдан кейинги қайталанишлар ривожланиш хавфи ҳосиланинг ўлчамлари, олиб ташлаш усули ва жойлашувига боғлиқ бўлиб, таклиф этилган усул бу кўрсаткични бутун намуналарда 24,2% дан 5,0% гача ( $p<0,001$ ), бир блокда олиб ташлашда - 7,5% дан 1,1% гача ( $p=0,037$ ), фрагментланган эксцизияда - 24,6% дан 7,0% гача ( $p=0,019$ ), 1 см гача бўлган ҳосилаларда - 3,8% дан 0% гача, 1-2 см – 7,7% дан 0% гача, 2 смдан катта бўлганларда 20,4% дан 4,5% гача ( $p=0,002$ ) камайтиришга имкон берди, ўз навбатида чамбарак ичакнинг ўнг ярмида олиб ташланган ҳосилаларда патологиянинг қайталаниш частотаси 23,7% дан 5,3% гача ( $p=0,005$ ) ва чап томонида 9,3% дан 1,3% гача ( $p=0,027$ ) ҳолатларда камайди.

12. Умумий ҳисобда, полипсимон ва полипсимон бўлмаган неоплазмаларни эндоскопик олиб ташлашнинг тавсия этилган усулини жорий

этиш, юқори меъда-ичак полипларини эксцизия қилишда яқин ва узоқ муддатли яхши натижалар улушини 73,4% дан 95,9% гача, йўғон ичак полипларида - 70,3% дан 93,8% гача оширишга имкон берди, бунда қониқарсиз натижалар частотаси 18,3% дан 3,1% гача ( $p < 0,001$ ) ва 24,2% дан 5,0% гача ( $p < 0,001$ ) мос равишда камайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 ПРИ АНДИЖАНСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ЙИГИТАЛИЕВ САРДОР ХУСАНБОЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭНДОСКОПИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В  
ЛЕЧЕНИИ ПОЛИПОВИДНЫХ НОВООБРАЗОВАНИЙ ЖЕЛУДОЧНО-  
КИШЕЧНОГО ТРАКТА**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**АНДИЖАН – 2024**

**Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2024.2.DSc/Tib1078.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Исмаилов Сайдимурод Ибрагимович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Быков Михаил Ильич</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Эгамов Юлдашали Сулейманович</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Касимов Адхам Лутфиллаевич</b> доктор медицинских наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Гродненский государственный медицинский университет (Республика Беларусь)</b>

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте по присуждению ученых степеней (Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Атабекова, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: [info@adti.uz](mailto:info@adti.uz), Андижанский государственный медицинский институт).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 170100, г. Андижан, ул. Ю. Атабекова, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2024 года).

**М.М. Мадазимов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**М.Ф. Нишанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Б.Р. Абдуллажанов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

